

РАХИМЖОНОВ Масрур
Филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)
masrur.79@mail.ru

ҚАБРТОШ БИТИГЛАРИНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ОСОБЕННОСТИ НАДГРОБНЫХ ПИСЬМЕННОСТЕЙ

ARTISTIC FEATURES GRAVE WRITING

Аннотация: “Марсия” термини ва тушунчаси бадиий-эстетик вазифасига кўра қадимги туркий адабиётга ислом маданияти билан бирга кириб келди. Туркий шеърятдаги мавжуд йиғи, йўқлов, алқов, битиг сингари ифода шакллари қаторидан собит ўрин эгаллади. Ўрхун-Энасой битиглари, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит-турк” (“Туркий сўзлар девони”)идаги шеърини парчалар қадимги туркийлар шеърятини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу обидаларни илмий-назарий жиҳатидан ўрганишда адабиётшунослигимизда салмоқли илмий кузатишлар олиб борилди. Маишхур рус туркишунослари С.Е.Малов, И.В.Стеблеваларнинг илмий тадқиқотлари ҳам алоҳида таъкидланишига лойиқ.

Таянч иборалар: Марсия, йиғламоқ, аза тутмоқ, қайғурмоқ, ғам-алам ва ҳасрат, қайғу, ҳасрат, ғам-андух, ўкинч-надомат, тошбитиглар, адабий жанр.

Аннотация: Термин и понятие «марсия» вошли в древнетюркскую литературу вместе с исламской культурой благодаря своей художественной и эстетической функции. Среди существующих в турецкой поэзии форм выражения, таких как плач, траур, битиг занимает фиксированное место. Надписи Орхун-Энасай, поэтические отрывки из «Девону луготит-турк» Махмуда Кашкари («Девон тюркских слов») служат основой для изучения древнетюркской поэзии. При научно-теоретическом изучении этих памятников в нашей литературе были сделаны важные научные наблюдения. Отдельного упоминания заслуживают научные исследования известных российских тюркологов С.Е. Малова, И.В. Стеблевой.

Ключевые слова: Марсия, плач, траур, горе, печаль, горе и печаль, сожаление, препятствие, литературный жанр.

Abstract: The term and concept “marsiya” entered the ancient Turkic literature along with the Islamic culture due to its artistic and aesthetic function. Among the forms of expression existing in Turkish poetry, such as crying, mourning, bitig occupies a fixed place. The Orkhun-Enasai inscriptions, poetic excerpts from “Devonu lugotit-Turk” by Mahmud Kashkari (“Devon of Turkic words”) serve as the basis for the study of ancient Turkic poetry. During the scientific and theoretical study of these monuments in our literature, important scientific observations were made. Special mention should be made of the scientific research of the famous Russian Türkologists S.E. Malova, I. V. Stebleva.

Key words: Marsia, crying, mourning, grief, sorrow, grief and sadness, regret, obstacle, literary genre.

КИРИШ

Бадиий тафаккур тарзи, илмий таъбир билан айтганда, унинг ҳар бир кўриниши адабий жанрларнинг ўзига хослигини, специфик табиатини белгилайди. Марсия жанри ҳам бундан мустасно эмас.

Илмий адабиётлардан маълумки, “Марсия” (مرثیه) сўзи арабча “риса” (رثه) сўзидан олинган бўлиб, йиғламоқ, аза тутмоқ, қайғурмоқ маъноларини билдиради. Шеърини терминологияда эса вафот этган бирор шахс сифатларини таърифловчи, уни мактовчи, унга бўлган шоир муносабатини ифодаловчи, лирик қаҳрамоннинг қайғу-ҳасратларини тасвирловчи асардир.” [1: 144] Яна бошқа бир манбада марсия – арабча сўз бўлиб, “ўлган кишига бағишлаб, унинг яхши сифатлари баён қилинган ва ўлимига афсус билдирилган шеърини асар”, [2: 366] – дея таърифланади. “Адабиётшунослик терминлари луғати”да эса, “бирор машхур кишининг вафоти муносабати билан ғам-алам ва ҳасратни ифодалаган лирик шеър ёки кўшиқ” [3: 102], – тарзида таъриф берилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

А.Квятковскийнинг “Шеърини терминлар луғати” каби адабий луғатларда ҳам марсиянинг бош хусусияти, бу – бирон-бир яқин кишининг ўлими муносабати билан шеър ва кўшиқларда ифодаланган қайғу, ҳасрат, ғам-андух, ўкинч-надомат сингари мунгли кечинмалардир, дейилади. Демак, марсия мағзини ҳасратга чўмган мунгли хиссиёт ташкил этар экан. Марсиянинг илдизи – генезиси фольклордаги

йиғи-йўқловларга бориб боғланади. У Якин ва Ўрта Шарқ шеърлятидаги адабий жанрлардан биридир. Бирор машхур киши вафоти муносабати билан ғам-алам ва ҳасратни ифодалайдиган шеър. Марсия, дастлаб, халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган. (Масалан, тошбитиглардаги, “Девону луғотит турк”даги Алп Эр Тўнга марсияси). Кейинчалик марсиялар турли халқларда бир неча хил шаклларда кенг тарқалган. Халқ оғзаки ижодидаги марсиялар **йиғи** деб ҳам аталади. Фольклордаги йиғи-йўқловларда ўлимдан, дунёдан шикоят, оҳ-зор мотивлари етакчилик қилади. Ёзма адабиётдаги марсиянинг гўзал намунаси Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий, устози, яқин маслаҳатгўйи Саййид Ҳасан Ардашер вафотига атаб ёзган шеърларидир. Ҳозирги марсияларда марҳум шахснинг жамиятдаги ўрни, хизматлари эсланади. Унинг ўлими муносабати билан шоир ўзининг ва халқнинг кайғуси, изтиробини баён этади. Бундай марсиялар Чўлпон, Ҳамза, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, А.Ориф, Р.Парфи ва х.к. шоирлар ижодида кўплаб учрайди [4: 187-188].

Кўринадики, луғатлардаги таърифлар марсия жанрининг рангин кирраларини ёритиши баробарида минг йиллар бадалида шаклланган, қонуният тусига кирган қатъий ўзига хос хусусиятларини ҳам акс эттиради.

Илмий-назарий адабиётлардан маълумки, ижодкорнинг тафаккур тарзи ҳамда асар маъзини ташкил этган бадиий-эстетик, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий мазмун жанр табиатини белгилашда муҳим омиллар сирасидан ҳисобланади. Шу маънода, қадимги обидаларимизда дарж этилган битигларнинг эстетик табиатини аниқлаштириб олсак.

“Битиг – бу 1. китоб, хат, ёзув, хужжат; 2. ёзув жараёни; 3. дастхат; 4. тумор, кўзмунчок, тилсим” [5: 103], дея таъриф берилади “Қадимги туркий луғат” (“Древнетюркский словарь”) да. Проф. П.Шамсиев, С.Иброҳимовлар тузган, С.Муталлибов масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Навоий асарлари луғати”да ҳам битигнинг ёзув билан боғлиқ маъно кирралари таъкидланади: “Битиг – мактуб, хат, ёзув” [6: 121], А.Квятковскийнинг “Шеърый терминлар луғати”да эса битигга анча муфассал таъриф берилган. Хусусан, “битиг – 1. Қадимги Миср, Вавилония, Эрон, Греция ва х.к. ўлкалардаги адабий ёдномаларнинг бир тури. Битиглар – ибодатхона ва қасрларнинг деворларига,

қояларга, даҳма, сағаналарнинг тош тахталарига ўйиб ёзилган ёдномалардир. 2. Кичик шеърый жанрлардан бири. Мухтасар битиглар XVIII аср ва XIX аср бошларида рус шеърлятида, айниқса машхур бўлган эди. Мухтасар битиглар одатда хайкаллар, портретлар, китоблар, альбомлар остига битилган қисқа, лўнда маънодор ёзувдир” [7: 167]. Айрим луғатларда ёдном-битиглар таъзия-некрологлар мазмунини ҳам қамраб олиши айтилади: “Некролог – марҳумнинг хотирасига бағишлаб, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ёзилган ёдном” [8: 132].

Илмий манбаларда таъкидланишича, Европа халқлари адабиётида қабр тошларига ўйиб ёзилган битиглар аксарият шеърый шаклда бўлиб, эпиграмма ҳамда эпитафия жанрига мансуб. Проф. Л.И.Тимофеев, С.В.Тўраевлар тузган “Адабиётшунослик терминлари луғати”да қайд этилишига кўра, “Эпитафия грекча сўз бўлиб, қабр устига ўрнатилган, деган маънони англатади. Қадимги Греция ва Римда қабр тошларига ўйиб битилган. Кўпинча эпиграмма шаклида шеърый йўсинда ёзилган. Дастлаб эпитафиялар марҳумлар шахсияти билан боғлиқ бўлиб, ўз авлодида зурриётлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида яратилган. Бирон-бир атоқли кишининг ўлимига бағишланган шеърый асар сифатида антик адабиётда алоҳида саҳифани ташкил этади” [10: 469].

Кўринадики, битигларнинг бош белгиси, бу – бирон-бир атоқли киши вафотига бағишланганлигидир. Кейин, ана шу хотирасини ёд этиб айтилаёт-ган мунгли, аламли сўзлар қабр тошларига ўйиб битилганлигидир. Яна битигларда ўша кишининг тириклик маҳали кўрсатган жасурлиги ёки қаҳрамонлиги, бирон-бир ёрқин фазилати ёки ибратли ишлари таъкидланади. Қадимий туркийларнинг “қабристон поэзияси” (С.Малов таъбири) ўзбек мумтоз адабиётининг узвий бир қисми ҳисобланади. Зеро, мумтоз адабиётимиз умумтуркий маданиятнинг вориси ҳамдир.

Оддий сўзларнинг нафис шеърга айланиши, поэтик мазмун касб этиши ҳодисасини тош битиглар мисолида кузатиш, ўрганиш мумкин.

*Üein Külüg Tirig ojiy bän
Külüg Tojan bän.
Ar ärdäimimdä bökmädim.
Qyrg jaşymda adyryldym.
Qadasym künimä jyta adyryldym
Sizimä öz kümüş budunum jyta adyrylytm.*

*Ālim ganym sizā bökmädīm.
Kün ai azydym jyta [11: 99].*

Таржимаси:

*Учун Кулуғ Туриғ ўғлиман
Кулуғ Туғонмен.
Эр одобимдан боқмадим.
Қирқ ёшимда айрилдим.
Қардошим, чўриларим, оҳ, айрилдим.
Сизларимдан, ўз кумуш будуним, оҳ.
Элим, хоним, сизга боқмадим.
Кунни, ойни сезмадим, оҳ [12: 175-176].*

“Қизил Чирадаги битиг тош”дан келтирилган ушбу парчадаги сўзлар ахборот-маълумот беришдан ташқари яна Кулуғ Туғоннинг кечинмаларини ҳам ифодаламакда. Агар эътибор берсак, қабр тошларидаги ёзувлар марҳумнинг тилидан битилган; вафот этган шахснинг дилсўзлари тариқасида англашилади. Шу ўринда ҳийла эътирозли мулоҳаза туғилиши ҳам мумкин. Хусусан, вафот этган кимса қай йўсинда, қандай қилиб дилидагини сўзларга кўчириши, битиглар тариқасида ифодалаш мумкин, деган мазмунда. Таъкидлаш жоизки, бу – бадий бир усул. Яъни марҳумнинг кечмиши, бошидан кечирган муҳим воқеа-ҳодисалар унинг ўз тилидан айтиляпти. Тошдаги битиглар марҳумнинг кимлигини, шахсияти ва фаолиятини дил розлари тариқасида ўз тилидан акс эттирилмокда.

Демак, марҳум кечинмаларини таҳлил қилиш, ҳис-туйғулари ҳақидаги мулоҳаза-муҳокамаларини англатиш, реал воқелик хоссаларини ҳолатлар, кайфиятлар тариқасида кечинмаларга сингдириб юбориш, ҳаётий эътиқоди-амолини ҳам англатиш битиглар табиатини аёнлаштираётган ўзига хос муҳим аломатлардир.

“Олтинкўлдаги иккинчи битиг тош”, “Бегредаги битиг тош”нинг мазмуни орқали эса жанрга хос яна бир муҳим белгини кузатамиз.

Одобли, кўркмас бўлса будун эрки будун
Эр отим Эран улуғ...

Уйдан, қардошимдан, яқинларимдан
Айрила бордим.

Ман ўғлима... будунимга боқмадим,
Ўттиз саккиз ёшимда айрилдим [13: 180].

Мазкур битигда марҳумнинг мунгли айрилиқ нидолари эшитилади. Юрагимизда оғриқ кўзгади. Ва лекин, армонли кечинмалар

қатма-қат эсланмайди. Унинг ўрнига кечмиши, бошидан ўтган ҳаёт саҳифаларининг маънавий-ахлоқий жиҳатларига эътибор кучайтирилади. Фазилатли жиҳатлар (назокатли ахлоқ, эҳтиромли одоб) ибрат қилиб кўрсатилади. Агар эътибор берсак, ҳиссий ифода объектив реаллик мазмуни ҳисобига ўз тасвир имкониятларини кенгайтираётганини кузатишимиз мумкин.

Олмон мутафаккири Гегель “Эстетика” асарида оддий сўзнинг поэтик мазмун касб этиши ҳодисаси ҳақида шундай ёзади: “Мазмун ниҳоятда оддий; тўрт минг пелопеннеслик уч юз минг душманга қарши турганлиги ҳақида. Ёзувни тайёрлаш, замондош ва авлодларга машҳур жанг тўғрисида хабар бериш фақат шу сўзларни айтиш мақсадида бўлган: шу тариқа ифода поэтиклашади, яъни ҳаракат сифатида юзага чиқади” [14: 170] Гегелнинг ушбу фикри Геродот томонидан “Тарих” китобида келтирилган, Фермопиль жангида ҳалок бўлган юнон жангчилари тилидан қояга ўйиб ёзилган қуйидаги байт ҳақида: (“Спартага келган йўлчи, халққа бер хабар, Бурчни дея бунда қолди бизим чуяклар”). Гегель оддий сўзнинг шеърга кўчиб ўтгандаги “ҳаракат сифатида юзага чиқиши” ҳолатига алоҳида урғу беради. Хусусан, сўзнинг воқелик талқинидан сизиб чиқиш асноларини ва ушбу жараёнда ўзи ҳам реалликка айланиши ҳодисасини таъкидлайди. Хусусан, оддий сўз ҳаёт кўринишлари, турмуш реалликлари мазмуни ила тўйинмокда. Реал воқелик хоссалари кечинмаларга айланмокда. Ҳиссий идрок – “субъективлик салтанати” (Гегель таъбири)нинг мавқеи ортиб, индивидуал нуқтаи назар орқали баҳоланмокда. Шу ўринда адабиётшунос И.В.Стеблеванинг қуйидаги фикрлари ғоят ўринлидир: “Енисей руник ёзувлари туркий эпитафия лирикасининг макон ва замон жиҳатидан илк намуналаридир. Улардан нисбатан каттароқлари қабрдаги одам ҳаётига оид айрим йирик воқеалар ҳақида сўйлайди. Аммо бу воқеалар иккиламчи ҳамда улар эпитафиянинг бош мақсади – яқинларидан ажралгани учун марҳумнинг афсус-надоматини ифодалашга бўйсундирилади” [15: 61].

Шу ўринда, йиғилар билан йиғи-йўқловлар ўртасида қандай фарқли жиҳатлар бор, деган савол туғилиши табиий. Йиғилар – бу марҳумни ўлган асносидан бошлаб тупрокка топширгунгача, қабрга қўйишгача кечган жараёнда намоён бўлгувчи кечинмалар

ифодасидир. Йиғи-йўқловлар эса кадрдон, азиз кишисини қабрга топшириб қайтгандан кейин хотирасини ёд этиш, олижаноб ҳислат-фазилатларини эслаш, хотирасини улуғлаш баробарида кўнгилга таскин беришдир. Илмий адабиётларда йиғилар аза қўшиқлари, асосан, маросим фольклори тариқасида ўлим-йўқотиш муносабати билан одамлар томонидан адо этилажак урф-одатлар йўналишида ўрганилади. “Йиғи, йўқлов, бўзлов” деб аталадиган аза қўшиқлари ҳам қадимдан кенг тарқалган, – деб ёзади фольклоршунос М.Алавия. – Вафот этганларнинг қариндош-уруғлари томонидан йиғлаб айтилади. Аза қўшиғида ўлганнынг яхши сифатлари айтилиб, ўлимнинг омонсизлиги, чорасизлиги, қолганларнинг бошига тушган мусибатнинг оғирлиги, жудаликка чидашнинг қийинлиги мунгли, таъсирли қилиб йиғига қўшиб ижро этилади. Аза қўшиқларини яхши биладиган, таъсирли, тартибли айтадиган гўянда ҳаммани йиғлатади. Умуман, ўлим маросимининг ҳам ўзига яраша анъаналари бўлиб, одамни кадрлаш, сўнгги видо вақтида бир хизмат қилиб қолиш, мотамдорларнинг қайғусини бўлиш учун ҳаракат қилиш бир бурчдай бўлиб қолган” [16: 219-220].

Кўринадики, аза-йиғи, мотам маросимининг бажарилиш жараёнларини деталлаштириб асослаш М.Алавия тадқиқотида етакчилик қилади. Азага борган аёл ўз дардини айтиб йиғлайди, деган халқ мақолининг рангин кирраларини мотам қўшиқларига таяниб исботлайди.

ХУЛОСА

Демак, йиғилар билан йиғи-йўқловлар ўзининг бадиий-эстетик вазифасига кўра ўзаро фарқланар экан. Демак, йиғи-йўқловлар ўзининг бадиий тафаккур тарзи, табиати, эстетик моҳияти билан битигларни юзага келтирган ҳаётий асос ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар иккиси учун хос бўлган муштарак умумий жиҳатлар ҳам бор. Хусусан, биринчидан, йиғи-йўқловлар ҳам, битиглар ҳам шафқатсиз ҳаёт ҳақиқати, марҳумлар хотираси асосига қурилади. Яъни марҳумнинг хотирасини ёд этиш устувор. Иккинчидан, марҳумнинг тириклигида эл-юртда орттирган олижаноб ҳислат-фазилатлари, шахсиятини безаган нурли хусусиятлар (жўмардлик, олийҳимматлик, қаҳрамонлик, жасурлик, яхшилик, қўли очиқ-танглик ва

х.к.) таъкидланади, улуғланади. Учинчидан, марҳумлар ёруғ ҳислат-хусусиятлари билан авлод-аждодларию фарзандларининг, хеш-акраболарию яқинлари-биродарларининг ёдида яшаб қолиши айтилади. Шу тариқа йўқотиш, айрилиқ азоблари ўрнида аламнок кўнгилларга таскин берилади, тоқат тиланади “Ўлганлар билан қўшилиб ўлинмас”, деган турк халқ мақоли шу заминда юзага келган бўлса ажабмас.

Демак, битиглар ўзининг ифода йўсини ва шакллари, усуллари, сюжет ва композицион қурилиши, образлар тизими, тимсолли тасвир хусусиятлари билан мозий адабий ҳаёти – қадимги давр туркий шеърятининг ўзига хос поэтик жанри сифатида шаклланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. – Тошкент: 1979. – Б.144.
2. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: 1972. – Б.366.
3. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: 1967. – Б. 102.
4. Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 187-188.
5. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука. 1969. – С.103.
6. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: 1972. – Б. 121.
7. Квятковский А. Поэтический словарь. – Москва: Советская энциклопедия. 1966. – С.167.
8. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати / Н.М.Маллаев таҳрири остида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 132.
9. Словарь литературоведческих терминов. – Москва: Просвещение, 1974. – С. 469.
10. Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI–VIII веков. – Москва: Наука, 1965. – С. 99.
11. Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – Б. 175-176.
12. Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 180.
13. Гегель. Эстетика. Соч. – Т. XIV, – Москва: 1958. – С. 170.
14. Стеблева И.В. Поэзия Тюрков VI–VIII веков. – Москва: 1965. – С. 61.
15. Музайяна Алавия. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: 1974. – Б. 219-220.